

Риёзус солиҳийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 1515-ҳадис

1515 – وَعَنْهُ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يَقُولُ: «دَعْوَةُ الْمَرْءِ الْمُسْلِمِ لِأَخِيهِ بِظَهْرِ الْغَيْبِ مُسْتَجَابَةٌ؛ عِنْدَ رَأْسِهِ مَلَكٌ مُكَلَّلٌ كُلَّمَا دَعَا لِأَخِيهِ بِخَيْرٍ قَالَ الْمَلَكُ الْمُكَلَّلُ بِهِ: آمِينَ، وَلَكَ بِمِثْلٍ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ [2733].

1515. Яна у кишидан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Мусулмон кишининг ўз биродарига ғойибдан қилган дуоси мустажобдир. Унинг бошида вакил қилинган бир фаришта туради. У ҳар сафар биродарига яхшилик тилаб дуо қилганда ўша вакил қилинган фаришта: «Омийн! Сенга ҳам шундай бўлсин!» дейди», дер эдилар».

Имом Муслим ривояти.

Шарҳ: Юқорида келган оятларнинг изоҳи қатори бу икки ҳадис ғойибдан қилинган дуога, яъни мўминларнинг бир-бирлари учун қилган дуоларига Аллоҳнинг берган аҳамиятини ифода қилади.

Ғайб – кўзга кўринмаслиғни ифода қилиш билан бирга бир инсоннинг ёнида бўлмаган мўмин учун ёки ёнида бўлатуриб у эшитмайдиган шаклда қилинган дуолар ҳам киради.

Мўминларнинг бир-бирларини яхши кўриши, бир-бирлари учун яхшиликларни тилаши, бунинг учун ҳам бир-бирлари учун яхши дуолар қилиши Жаноба Ҳақни хурсанд қилади. Бошқаларини ўйлайдиганчалик буюк қалбга эга бўлган бундай қулларини мукофотлантириш учун ҳадисдаги йўл қўлланилади. Бир инсон биродарининг яхшилигини хоҳлаб ёки бошидаги бир дарднинг кетишини хоҳлаб дуо қилса, ёнидаги фаришталар, дуосига «Омийн» яъни «Аллоҳ дуойингни қабул қилсин» дейишади. Сўнгра «Омийн, сенга ҳам унинг мислидек бўлсин», деб туришади.

Юқоридаги ҳадислардан бирида Умар ибн Хаттобнинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан Умра учун рухсат сўраганларида, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам изн бериб; «Эй биродар, дуоингда бизни ҳам унутмагин» деб айтганларини ўқиган эдик. Шундай экан, бизлар ҳам мусулмон биродаримиз учун дуо қилишимиз ва уларнинг ҳам бизлар учун дуо қилишларини сўрашимиз керак.

Албатта дуо қабул бўлиши учун фаришталарнинг ҳам дуоларимизга омийн дейиши Аллоҳнинг бизларга берган бир имкониятидир. Шунинг учун бу фурсатни қўлдан чиқармаслигимиз керак.

Манба: hadis.islom.uz

